









Бангладешлик кинематограф Гулшанаро Чампа ва Аҳмад Шариф ўзбекистонлик режиссёр Жасур Исҳоқов билан ижодий мулоқот пайтида.

С. Маҳмамов сурати.



ФЕСТИВАЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ

Фестивалнинг бош соврини — «Олтин Семур» «Спортсуд» (Австрали) фильмига берилди. Кино санъатига миллий анъаналарни сақлаш учун берилган мукофот «Севги косаси» (Япония) фильмига насиб этди.

Яхши эркаклар роли ижроси учун «Олтин арча», «Биз яшаётган дунё» (Хиндистон) фильми қатнашчиси Опарна Сен энг яхши аёллар роли ижроси учун «Олтин лол» мукофотини олди.

«Кумуш Семур» мукофоти туркиялик Мехмет Тангрисеварга («Сургу» фильми учун) тоширилди. Раж Капур номидаги янги соврин «Хенна» фильмига (Хиндистон) берилди.

ва умуминсоний кадрятлар халқ академиясининг совринига «Севги косаси» фильмининг режиссёри Кацуми Нисикова (Япония) сазовор бўлди. Шунингдек, кинофестиваль қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси жамоат ва ижодий ташкилотлари таъсис қилган мукофотлар топширилди.

СУЗ — КИНОФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

«МАФТУН БЎЛДИМ»

«Шахрингизни севиб қолганман, — дейди япониялик профессор, XI фестивалда жюри аъзоси Юкичи Шинада. — Тинчлик ва дўстлик шакли бўлган Тошкентда учинчи бор келишим. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, ҳушфэъллиги менга, айниқса, ақайди. Эртангадек бу гўзал мамлакатга мафтун бўлиб қолганман.

номланган бу фильмлар ўзининг миллий хусусиятлари билан кескин ажралиб туради. Чет эл фильмларига биз ҳам танқидий кўз билан қараймиз. Банкена ленталар кўпича кесиб ташланади. Чунки улар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир этади. — Тарбия жуда қийин кечадиган жараён, — дейди унинг рафиқаси, танқидчи олим Чисако Канака саволимига жавоб бериб. — Япония олий даражадаги техника билан ишловчи. Машгулотларда жуда кўп қўлбанд фильмлардан мультфильмлардан қўлланлади. Япон ёшлари ўқиб-ўрганмиш учун жуда кўп машғул бўладилар. Компьютер

уларнинг ҳаётига шу қадар чуқур кириб борганки, улар яшашин ҳам фақат компьютер ёрдамида ўрганишлар, рости, Ҳақиқий ҳаёт, атраф-муҳит, одамлар билан жонли мулоқотда бўлишга дегирли вақтлари қолмайди. Бунинг эса ижобий ҳол деб бўлмайди, келгусида яхши натижага ҳам олиб келиш мумкин. — Японияда намойиш этилаётган киноларнинг 60 фоизи мактаблари, болалар боғчалари олий даражадаги техника билан ишловчи. Машгулотларда жуда кўп қўлбанд фильмлардан мультфильмлардан қўлланлади. Япон ёшлари ўқиб-ўрганмиш учун жуда кўп машғул бўладилар. Компьютер

қўриш, даромад қилиш мумкин экан. Афсуски, кўпгина кинорежиссёрларимиз худди шу шаклда—Америкага таассуб қилиб суратга олиш йўлидан боряптилар. Акс ҳолда кинокомпаниялар ҳам синчиши мумкин. Конкурсага танқид этилган «Муҳаббат косаси» фильмининг ишлаган киностудия худди шу себаб билан синди. Бу аянчи ҳол япон миллий киносининг тараққиётига акс таъсир этапти. Тошкент кинофестивали кино соҳасидаги қатор муаммоларни ҳал этишга яқиндан ёрдам беришти. Бундай анжумани тарқ этмай, келгусида ҳам давом эттирилишини истайман.

ЯНГИ БИРЛАШМАНИНГ ИЛК АСАРИ

Кинодраматург ва режиссёр Жасур Исҳоқов Киночилар уюшмаси қошида «Имон» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этди. Бу ижодий жамоага Ҳамид Луқмонов бошлиқ «Ипак» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлик қилмоқда. Бирлашманинг биринчи қалдирғоч асари — «Кетма...» бадий фильми мазмуни ва гоёси билан унинг ижодкорлари широгига ҳам оҳанг деб биламиз.

«Фотима ўзига тўқ, обрўли оилада улғайиб катта бўлди. Ҳар қизда бўлганидек, у ҳам бир йигитга кўнгли беради, ёшлар аҳд-паймон қилишади. Лекин йигитнинг насли-насаби ким, қизнинг оиласидигиларга мос келадими? Табиийки, муҳаббатнинг ширин ҳаёлига берилган ёшлари бу саволлар қизқирмасди. Лекин, кўпни кўрган Азим Ҳафизов айтиш мумкин, бу масала ташвишга соларди. У қизнинг раъйига қарши боради ва ҳақ бўлиб қилади. Ота-онаси томонидан ҳам, севган йигитидан ҳам нажот топмаган қиз уйдан кетишга аҳд қилади. Бирок...»

Кутилмаган тўқнашулар, ҳаётнинг тасодифлардан иборат воқеалар тизмаси, қолаверса, фильм хотимаси томошабинини бефарқ қолдирмайди.

Сценарий муаллифлари — Жасур Исҳоқов ҳамда Мастура Исҳоқова, Режиссури эса Ж. Исҳоқов танқиди актёр Рустам Саъдуллаев ёрдамида амалга оширди.

Фильмдаги бош ролларни Еқуб Аҳмедов, Гулчехра Жамилова, Асал Ҳужавалар ижро этишган.

«Кетма...» фильми фестивал ташкилий қўмитасининг махсус соврини билан тақдирланди.

Жамила АСАДОВА.

«Муҳаббатнинг юксак туйғуси» фильмида она ролини ижро этган покистонлик киноактриса Самина Пирзода «Наврўз» жағфармасининг «Меҳрибонлик» мукофоти ҳамда Ўзбекистон кинематографчилари уюшмасининг махсус совринига сазовор бўлди.

С. Қорабоев сурати.

...Туркиянинг олис қишлоқларидан бирга истамбуллик ўқитувчи сурғун қилиб юборилди. Деворлари нураб кетмаган мактаб, кийимлари бир ҳолатда бўлган болалар, ҳам, кўзлари бефарқ, сўник боқувчи қишлоқ аҳолиси ҳам уни бўлтирмади, аёлидан жу да чўчиб, ёлғиз қолган муаллим бутун фикри-зиқри, билими, куч-қувватини мактабга, болаларга бағишлагаша қарор қилган.

Али Сулаймондек бўкиб ичиб, хотини, болаларини гиз-гизон қиладиган киши ҳам ичиши бас қилгани-я. Қишлоқнинг сулув қизлари ҳам бу босиқ, камгап муаллимга ҳавас билан боқишарди. Айниқса, кўзлари ҳамини мунгли боқувчи Дурмуш унга қаттиқ боғлиб қолганди, муаллим уни ўз ўғлидек кўрарди. Бироқ мана шу муаллимнинг ишлари муаллимнинг олиб келган муаллимнинг

лаб кетишга мажбур. Оракиб кутилган ёлғирдек келиб, шаррос ёлғирда ёлғиз китобини кўрагига маюс босганча кетиб боряпти...

Фильмда таъсирли воқеалар жуда кўп. Маст отасидан калтак еган Дурмуш қалбиде «отам ҳам муаллимга ўхшасайди» деган фикр ўтади ва уни баралла айтиб ҳам юборарди. Аввалига шу гапи учун ўғлини ўласи қилиб калтаклаган Али Сулаймон маориф идорасидан муаллимни ёмонот қилишга келган тафтишчининг ҳайдаб солади. Дурмуш муаллим шарофати-ла қайта тутилгандек ўзгариб қолган отаси учун шифобахш гуллардан териб келмоқчи. Ногоҳ қияликдан тойиб кетган бола устига тоғутошлар ёғилди. Сўнги нафасини олаётган Дурмуш устида муаллим билан биргаликда томошабин ҳам йиғлайди.

«Феза-фильм» студиясида суратга олинган бу фильм сценарийсини Меҳмет Тангрисевар ва Меҳмет Ер ўзининг «Сурғун» фильми ўзининг чуқур мазмуни, юксак гоёси билан кўпчиликка маъқул бўлди. Муаллим роли Туркиянинг танқиди актёри Булут Арас ижросида жуда муваффақиятли чиқибди.

Ҳа, дарҳақиқат, ҳассос, фидойи ўқитувчилар миннатдор қалблардан сира учмайдилар, фильм ана шундай муаллимлар ҳақида яратилганлар.

Замира ТУЛАГАНОВА.

МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

Муаллиф ғайрати билан ҳадемай мактабни таниб бўлмай қолди. Ўқитувчилар, ўқувчилар, қишлоқ ақли бир тан-бир жон бўлишиб бу ерни обод қилишади—деворлар оқланади, дарахтлар экилади, ўйин майдончасида тўплар ҳам пайдо бўлади. Хуллас, рўйсаладаги мактабда шаҳардан қолмайдиган дарслар бошланади. Тонг саҳарлаб уни кутиб олаётган озода, батариб ўқувчиларнинг чеҳраларида барқ уриб турган қувончнинг кўрган муаллим ўзини чекизи бахтиёр сезарди...

хайрли ишлари Мухтор деганларга неғадир ёқмайди. Унинг айби — ўз кесибга, болаларга чин дилдан меҳр қўйгани эди, холос.

Чақув устига чақув бошланади. Ниҳоят юқоридан ўқитувчининг ишдан олиш ҳақида хат юборилади. Қишлоқ аҳолиси ўқитувчи билан хайр-лашадилар. Кимдир ёдгорлик ҳамининг беришти, ўзгариш солиб йиғлашаётган болалар муаллимнинг қўлларини ўпишади. Муаллим ўзи эзкан қўлатларининг мевасидан тоғи улғурмай, қишлоқни таш-



С. Қорабоев сурати.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА

«ОРЗУ»ДА УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

Косон шахридаги Махфират Азимова мудирлик қилаётган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Орзу» болалар боғча-ясилсида 12 гуруҳда 280 ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларга 16 тарбиячи, 16 энага ва 5 ошпаз хизмат кўрсатади. Жажжилар масканда ўқув-тарбия машғулотларини юқори савияда олиб боришга, болаларга ўқиб, ёзиш, ҳар хил суратлар чизиш кўникмаларини ҳосил қилиб, юқори гуруҳ болаларини

мактабга пухта тайёрлашга, шунингдек, кичкинтойлар талантини ҳам камол топтириб боришга алоҳида жиддий эътибор билан қараб келинмоқда. Шу мақсадда ўқиб, ёзиш, суратлар чизиш, мусиқа дарси машғулотларини ўтказиш учун намунали жихозланган алоҳида хоналар ажратиб берилган. Шеърхолик қилиш, саҳна асарлари тайёрлаб намойиш этиш учун шинамига клуб мавжуд.

Ҳозирги кунда бу ерда тарбиячи ва тарбияланувчилардан ташкил топган бадий ҳаваскорлик тўғрисида яхши фавоқият кўрсатмоқда. Тўғрақ зарур миллий мусиқа асбоблари, кийим-кечак, анжумлар тайёрлаб берилган. Тўғрақ ишларини жонлантиришда мудира Махфират Азимова, балет-мейстер Абдурауф Узоқов билан мусиқа ўқитувчиси Дилмурод Тўраевлар сидқидилдан хизмат қилишмоқ-

да. Уларнинг бевосита раҳбарлигида тайёрланиб, боғча-ясилда тарбияланувчиларига, мактабларнинг ўқувчиларига, ота-оналарга мутазам равнашда намойиш қилиниб келинаётган кичик концертлар, жажжи саҳна асарлари, бадий лавҳалар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Яқинда Косон шахридаги ўн иккита боғча-ясилларнинг тарбиячилари ўртасида қўғирчоқ театри томо-

шалари конкурс ўтказилди. Конкурсада «Орзу»нинг санъатта илҳосман тарбиячилари ўзлари тайёрлашган «Камбағал дехқон» саҳна асари билан иштирок этишиб, фахрли биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди ва диплом билан тақдирланшти. «Камбағал дехқон» аргатини тарбиячи Дилрабо Эшонқулова саҳналаштирган бўлиб, ундаги айрим ролларни юқори гуруҳда тарбияланувчи бо-

лалар ҳам ўйнаганлар. Вилоятда ўн тўққизта шаҳар боғча-ясиллари тарбиячилари ўртасида қўғирчоқ театрлари конкурсига «Орзу»нинг санъатсевар тарбиячилари ўзларининг «Камбағал дехқон» эргак-томошалари билан иштирок этишиб бунда ҳам биринчи ўринни эгаллашга эришдилар. Ш. ТОҒАЕВА, ТошДУ талабаси.

ЭЛЕКСОН БИЛАН УЧРАШУВ Яқинда Нукус давлат педагогика олий илмгоҳининг тил-адабиёт куллиетида қизилқарли учрашув бўлиб ўтди. Америка Қўшма Штатларидан келган турологим Джон Элексон ташриф буюрди. Учрашув кечасини қораллоқ тили ва адабиети куллиети декани, филология фаилари доктори Қ. Камолов қисқача кирив нутқи сўзлаб очар экан, меҳмонни тўплаганларга таништириб, қуйидагиларни айтди: — Джон Элексон 1962 йилда бизнесмен оиласида туғилган. Ҳали уйданмаган. Индиана дорифунунининг турология бўйича ўқитувчиси. У «Эски турк тилида синтаксис» мавзусида магистрлик даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. Ҳозирги пайтда «Ўзбек тилида синтаксис» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёзиш ва химоя қилиш орзуси билан ишамоқда. Шундан сўнг самимий кутиб олинган ҳурматли меҳмон Джон Элексон минбарга кўтарилди, АҚШда олий таълим қандай йўлга қўйилиши, унинг ўзига хос жиҳатлари, муаммолари, ўзи ишлаётган Индиана дорифунунинда турология юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ўзбек тилида сўзлаб берди. Ҳозирги пайтда Тошкентдаги тил-адабиёт илмий-тадқиқот институтида 9 ойлик стажировкани ўтаётгани, тошкентлик дўстлари уни Жоғибек деб ўзбекча исм билан аташлари, дўстлик-биродарлик хусусида ҳам тўхтади. Нукус давлат педагогика олий илмгоҳининг ўқув ишлари бўйича проректори Қ. Қошчанов барча талабалар ва ўқитувчилар номидан меҳмонни қизғин табриқлади, илмий ишларида улкан муваффақиятлар тилади. Ғ. ЕҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ПЕДАГОГИК ИШ СТАЖИ 5 ЙИЛДАН КАМ БЎЛМАГАН ЮҚОРИ САВИЯЛИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ КЕЛИШИЛГАН КОНТРАКТ АСОСИДА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

- 1. «ЎЗБЕК ТИЛИ В АДАБИЕТИ» КАФЕДРАСИГА: — ўзбек тили ва адабиети мутахассислиги бўйича фан номзодини доцентлик вазифасига (1 ўрин); — рус мактабларида ўзбек тилидан машғул олиб бориш методикаси бўйича фан номзодини ёки кўп йиллик педагогик иш тажрибасига эга бўлган маориф ходимини катта ўқитувчилик вазифасига (1 ўрин).
- 2. «БРШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ» КАФЕДРАСИГА: — рус тилида машғул олиб борадиган бошланғич таълим методикаси мутахассислиги бўйича фан номзодларини ёки кўп йиллик иш стажига эга бўлган педагогик ходимларни катта ўқитувчилик вазифасига (1 ўрин).
- 3. «ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ» КАФЕДРАСИГА: — ўзбек тилида машғул олиб борадиган педагогика мутахассислиги бўйича фан номзодини доцентлик вазифасига (1 ўрин); — ўзбек тилида машғул олиб борадиган таълим психологияси мутахассислиги бўйича фан номзодини катта ўқитувчилик вазифасига (1 ўрин); — мактабда амалий психология методикаси бўйича иш тажрибасига эга бўлган педагогик ходимларни услубиятчи вазифасига (1 ўрин).
- 4. «МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ» КАФЕДРАСИГА: — ўзбек тилида машғул олиб борадиган мактабгача тарбия муассасаларида нутқ ривожлантириш методикаси бўйича фан номзодини ёки шу соҳада кўп йиллик иш стажига эга бўлган мутахассисларни катта ўқитувчилик вазифасига (1 ўрин); — мактабгача тарбия муассасаларида элементар математика ўқитиш методикаси бўйича ўзбек тилида машғул олиб бора оладиган фан номзоди ёки кўп йиллик иш стажига эга бўлган мутахассисларни катта ўқитувчилик вазифасига.
- 5. «УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ДИАГНОСТИКАСИ» БЎЛИМИГА: — педагогика соҳасида диагностика тадқиқотлардан хабардор, компьютерлар билан мулоқот қила оладиган ва иш стажига эга бўлган мутахассисларни услубиятчи вазифасига (3 ўрин).
- 6. «ИЖТИМОИЙ ТАЪЛИМ» БЎЛИМИГА: — мактабда тарбиявий ва ёшлар билан ишлаш методикаси бўйича иш стажига эга бўлган педагогик ходимларни услубиятчи вазифасига (2 ўрин). Меҳнатга ҳақ тўлаш контракт асосида амалга оширилади. Бизнинг манзилгоҳ: 700064, Тошкент — 64, Педагогика кўчаси, 64-уй. Телефонлар: 55—33—27, 55—33—28 (ректор), 55—33—07 (ўқув ишлар-бўйича ректор муовини), 55—34—49 (илмий-методик ишлар бўйича ректор муовини).

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.